



TOSHKENT SHAHAR YASHNOBOD TUMAN HOKIMI QARORI

2022 - yil 2 - fevral

26-14-203-Q/22

Yashnobod tuman hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 126-моддасига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддасига, халқ депутатлари Яшнобод туман Кенгашининг 01.02.2022 йилдаги П-52-7-14-203-К/22–сонли қарори ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси раҳбарининг 27.01.2022 йилдаги 01-11/59-сонли, мурожаатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Халқ депутатлари Яшнобод туман Кенгашининг 01.02.2022 йилдаги П-52-7-14-203-К/22–сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалри бўйича доимий комиссиясининг таклифи инобатга олинсин.

3. Туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари 1-иловага мувофиқ тақсимлансин.

4. Яшнобод тумани Молия бўлими (А.Назаров), 2022 йил Яшнобод тумани маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

5. Яшнобод тумани ҳокимлиги бош ҳисобчиси (Ш.Жалолова), туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори (М.Абдуллаева), туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи (А.Нишанов), мазкур қарорнинг иловасига асосан ажратилган маблағларни ўрнатилган тартибда ва мақсадли сарфланиши таъминласин.

6. Ушбу қарорни назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи

Ўринбосари Л.Темиров, туман ҳокими ўринбосарлари Ш.Зуфаров,
М.Турсунова, И.Зиявиденов, Қ.Махмудов зиммаларига юклатилсин.

Яшнобод тумани ҳокими



Б.Раҳманқулов

Яшнобод туман ҳокимининг
2022 йил 2 февралдаги
26-14-203-Q/22-сон қарорига
1-илова

**Яшнобод тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йил бошига шаклланган
эркин қолдиқ маблағлари ажратиладиган харажатлар**

(минг.сўм)

№	Йўналтириладиган маблағ	Мақсади	Ажратилган маблағ суммаси	Маблағ йўналтирилишига асос
1	“Ёшлар дафтари”	Ёшлар дафтарига киритилган ёшларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш	950 000.0	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.04.2021 йилдаги 250-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.01.2022 йилдаги ПҚ-92-сонли Қарори
2	Туман ҳокимияти	Ҳоким ёрдамчиларига оргтехника хариди харажатлари	551 100.0	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.12.2021 йилдаги ПФ-29-сонли Фармони
3	Туман ободонлаштириш бошқармаси	Янги йил арчаси хариди билан боғлиқ харажатлар	357 000.0	туман ҳокими тақдимномаси
4	Open budget	Жамоатчилик фикри учун	1 512 300.0	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.04.2021 йилдаги ПҚ-5072-сонли Қарори
5	Янги ҳаёт туманига	Янги ҳаёт туманини ривожлантириш ишлари учун	200 600.0	Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2021 йил 21 январдаги 42-сонли қарори
6		Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5515-сонли фармонига асосан, туман ҳокимлиги, мослаштирув маркази, молия бўлими, ғазначилик бўлинмаси, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, Халқ депутатлари кенгаши котибияти ходимларининг устама ҳаққи харажатлари учун	1 370 000,0	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.08.2018 йилдаги ПФ-5515-сонли Фармони
7	Туман тиббиёт бирлашмаси	енгил автомашина бириктириш харажатлари учун	100 000.0	туман ҳокимининг 19.01.2022й.даги 15-14-203-Q/22-сонли қарори
	Жами		5 041 000.0	